



ТАЛАБА ЁШЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИНING ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Х.Х.Ражабова

ТАТУ Фарғона филиали
катта ўқитувчиси

ARTICLE INFO

Received: 06th Oktober 2023

Accepted: 12th Oktober 2023

Online: 13th Oktober 2023

KEY WORDS

Ёш талабалар, ўз-ўзини
англаш, жамият нормалари,
когнитив жараёнлар,
таълим, ижтимоий таъсир,
психологик омиллар.

ABSTRACT

Ушбу мақола ёш талабаларнинг ўзини ўзи англашини шакллантирадиган ижтимоий ва психологик омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирини ўрганади. У ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг ривожланишига ҳисса қўшиш учун тенгдошларнинг ўзаро таъсири, ижтимоий нормалар ва академик муҳит каби ташқи таъсирларнинг ички когнитив жараёнлар билан ўзаро таъсирини ўрганади. Бундан ташқари, у ўқитувчилар, маслаҳатчилар ва ёш ўқувчиларда ижобий ўзини ўзи идентификация қилишга интилаётган сиёсатчилар учун таъсир кўрсатади.

Инсон шахсини, унинг юсак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. Соғлом руҳият эгаси бўлган ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириш, бу борадаги ишларнинг самарали йўлларини излаб топиш эса ёшларнинг ўзлигини англаши, уларнинг комиллиги, ахлоқ-ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати билан боғлиқдир. Одамнинг ўз-ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ-шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб боришни ҳам тақозо этади. Чунки инсон ўзини тўла англамай туриб, ўз шахсий «Мен»и билан келишмай туриб, ўзга инсонни англаши, ўзгаларнинг ҳиссий кечинмаларини ичдан кечириши мумкин эмас.

Шахснинг ўз-ўзи билан келишолмай қолишининг яққол кўринишини экзистенциал психологиянинг асосий ғояси бўлган экзистенциал фрустрация, мазмуний бўшлиқ мисолида кўриш мумкин. Шахсда мазмуний бўшлиқ, вакуум пайдо бўлдим, унда ҳаётга муҳаббат, мақсад сари интилиш, фаоллик сўнади, ҳиссизлик, эмоционал совуқлик, бефарқлик пайдо бўлади. Шунинг учун ёшларни ўзини-ўзи



англаш, ўз тасаввурларига эга бўлиш, ўз руҳиятида «ички тартиб-интизом»ни жорий этиш ва шу асосда ўзини-ўзи руҳий-маънавий жиҳатдан тарбиялай олишга ўргатиш лозим. Чунки шахс маънавияти ривожини аввало ўзини-ўзи англаш, кейинчалик ўз манфаатини англаш ва ниҳоят жамиятни таниш босқичларини тақозо этади. Инсоннинг жамиятни англаши - бу унинг миллий ўз-ўзини англашидир.

Миллий ўз-ўзини англаш - инсоннинг ижтимоий этник умумийликка мансублигида, ижтимоий соҳадаги муносабатларда ўз миллатининг эгаллаган мавқеини яққол тасаввур қилганида, миллий манфаатдорлигида намоён бўлади. Миллий ўз-ўзини англашнинг қатор объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Булардан бири миллий туйғу бўлиб, у инсоннинг шахслараро муносабат жараёнида ҳиссий таҳсилланишида, юксак маънавий ички туғёнларда, ижодий ғоялар туғилиши каби кечинмаларда акс этади.

Миллий ўзлиқни англаш «Мен» дан бошланиб, реал «Мен», ўтмишдаги «Мен», ҳозирги «Мен», келгуси «Мен», идеал «Мен», динамик «Мен» кўринишларида ўз ифодасини топади. Шахсда ўз-ўзини англашнинг кўринишлари ўрин алмашиб боради, чунки ўзининг яқин ўтмишини баҳолаш, ҳозирги даврдаги, кундаги ҳаёт фаолиятида имкон борида қўйилган камчиликларни бартараф қилиш, муваффақиятга эришишнинг устивор йўллари танлаш, ўз имкониятини ташхис қила олишгина камолот сари етаклайди.

Психологияда инсон шахси билан боғлиқ тушунчалар ичида «Мен - концепция» тушунчаси алоҳида ўрин тутаяди. Бу тушунча шахснинг бошқалар билан муносабатини белгилаб берадиган ўзи ҳақидаги тасаввурлар тўпламидан иборат, деб изоҳланади. Таълим-тарбия жараёнида эса «Мен - концепция» янада муҳимроқ аҳамият касб этади, чунки педагог-ўқитувчи ёшларга ўзи ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқиб баҳо беради, уларга ўзи ўзлаштирган тажрибани узатади, сингдиради.

Агар ўқитувчи ижобий «Мен - концепция»га эга бўлса, яъни унда шахсий тўлақонлик ҳисси мавжуд, етарлича эмоционал барқарор ва етук бўлса, унда бундай ўқитувчининг ёшлар билан муносабати фақат ижобий тасаввурлар асосига қурилади, ўқитувчи ёшлардан ўзига нисбатан салбий муносабатни кутмайди, чунки бундай ўқитувчида ўз-ўзини баҳолаш билан боғлиқ муаммо бўлмайди. Ўз-ўзидан маҳдумки ўқитувчининг ижобий «Мен - концепция»си талаба шахси шаклланишига ижобий таҳсир кўрсатади, чунки инсон ёшидан қатъий назар ўз фаолиятига нисбатан ижобий баҳолашга эҳтиёж сезади, бундай муносабат ва ибрат эса талабада ижобий характер хислатларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Талаба ёшларнинг келажақда юқори савияли, малакали мутахассис бўлиб етишиши, ихтисослик бўйича барқарор малакалар ва мустаҳкам билимлар эгаллаши келгуси «Мен» билан узвий боғлиқ равишда амалга ошади. Келажақда ўз соҳасининг маҳоратли киши, ташаббускор ва ташкилотчи шахс сифатида вояга етиши кўп жиҳатдан улар томонидан танланган идеал касб эгаси фазилатларини кунт билан ўзларида шакллантириб боришга боғлиқ. Бўлғуси мутахассиснинг тинимсиз изланишда бўлишлиги унда динамик «Мен»ни таркиб топтира боради, ижобий ва сифат ўзгаришларини оқилона назорат қила олиши, тўғри баҳолай билиши ушбу жараённинг асосий мезони ҳисобланади.



Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори, хусусиятлари, жамиятдаги ўрнини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ - «Мен» - образи бўлиб, унинг адекватлиги яъни ҳақиқатга қанчалик яқин бўлиши шахс баркамоллигини белгилайди. Инсоннинг тарбияланганлиги унинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиши натижасида намоён бўлади. Чунки ҳар бир шахснинг ўзлигини англаши жамиятдаги мавжуд нормаларга зид ҳаракатлар қилиш эҳтимолини камайтиради.

Ўз - ўзини англаш кўпинча шахс томонидан оғир кечади, яъни инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, номаҳкул сифатларни англамасликка, уларни «яширишга» ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгости соҳасига сиқиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос химоя қилиш механизмидир. Бундай химоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди.

Ўз-ўзини англаш жараёни шахснинг ўзини ўзи тарбиялаши билан узвий боғлиқдир. Шахснинг ўзини ўзи тарбиялашида қуйидаги омиллар муҳим рол ўйнайди:

1. Ўз-ўзи билан мулоқот, бунда шахс ўзини тарбия объект сифатида идрок этиб, ўзи билан мулоқотни ташкил этади.
2. Ўз-ўзини ишонтириш, бунда шахснинг ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониши орқали, ижобий хулқ нормаларига бўйсунити амалга ошади.
3. Ўз-ўзига буйруқ бериш - бу тифиз ва экстремал ҳолатларда шахснинг ўзини қўлга олиши ва мақбул йўлга ўзини чорлай олиши ҳисобланади.
4. Ўз - ўзига таҳсир этиш - бунда шахснинг ижтимоий нормалардан келиб чиққан ҳолда ўзида маҳкул установакаларни шакллантириши амалга ошади.
5. Ички интизом - ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони, ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифат ҳисобланади.

Психологияда шахснинг ўзини ўзи бошқариши билан боғлиқ бўлган «назорат локуси» назарияси мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир инсонда икки типли масхулият кузатилади. Биринчи типли масхулият шундайки, шахс ўзининг ҳаётида рўй бераётган барча ҳодисаларнинг сабабчиси, маҳсули сифатида фақат ўзини тан олади. Булар **интерналар** бўлиб, улар ўзларига ишончнинг ортиқлиги, мақсадга эришишда қатъийлик, ўзини анализ қилишга мойиллик, мулоқотга киришувчанлик, одамларга хайрихоҳлик ва мустақиллиги билан ажралиб турадилар. Масхулиятликнинг иккинчи тури барча рўй берган ва берадиган воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар деб ҳисоблайдиган **экстерналар**га хос бўлиб, улар ўзининг имкониятларига ишонмаслиги, мақсадларини аниқ бўлмаган муддатларга суриши, ортиқча ҳаяжонланишлари, шубҳаланишлари, конформиликлари, агрессивликлари ва оғир руҳий кайфиятга мойилликлари билан ажралиб туради. Экстерналар ҳам ишларини қатъий регламентга асосланган ҳолда муваффақият билан бажара оладилар, лекин бошқа одамлар бошқаруви остида яхши бажарувчанлик хусусиятини намоён қиладилар.

«Назорат локуси» тушунчасини фанга киритган америкалик олим Дж. Роттернинг фикрича, масхулиятни ўз бўйнига олишга ўргатилган болаларда хавотирлик,



нейротизм, конформизм ҳолатлари кам учраган. Улар ҳаётга тайёр, фаол, мустақил фикр юритувчилардир. Уларда ўз - ўзини ҳурмат ҳисси ҳам юқори бўлиб, бу бошқалар билан ҳам ҳисоблашиб яшашига сира ҳалақит бермайди. Шунинг учун ижтимоийлашувнинг муҳим босқичи кечадиган таълим муассасаларида ёшларга кўпроқ ташаббус кўрсатиш, мустақил фикрлаш ва эркинликни ҳис қилишга шароит яратиш керак ва бу ҳозирги кун сиёсатининг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда талаба ёшларда локус-назорат даражасини аниқлаш саволномасини ўтказдик. Саволномада психология йўналишининг биринчи ва тўртинчи курс талабалари иштирок этишди. Респондентларнинг бундай тарзда танланишининг сабаби, олий ўқув юртига эндиgina адаптация ҳосил қилган талабалар ва битирувчи курс талабаларининг ҳаётга, меҳнатга, оилага ва бошқа одамларга нисбатан муносабатларининг фарқ қилувчи томонларини ўрганиш ҳисобланади.

КУРС	ЭКСТЕРНАЛ		ИНТЕРНАЛ	
	Йигитлар	Қизлар	Йигитлар	Қизлар
I	2 6%	10 27%	20 53%	5 14%
IV	3 11%	10 34%	7 26%	8 29%

Битирувчи курс талабаларининг 45 фоизи экстерналлар бўлиб, улардан 34 фоизи қизлар, фақат 11 фоизи йигитлар, қолган 55 фоизи интерналларни ташкил этиб, уларнинг 26 фоизи йигитлар, 29 фоизи қизлардан иборат. Биринчи курс талабаларининг натижалари ҳам бизни қаноатлантирди. Чунки олий ўқув юртига эндиgina мослаша бошлаган талабаларнинг 67 фоизи интерналлардир. Уларнинг 53 фоизи ватанимиз мудофааси хизматларида бўлиб, анчагина ҳаётий тажрибага эга бўлган ёшлар эканлиги билан характерланади. 33 фоиз экстерналлардан иборат бўлган ёшлар ичида фақат 6 фоизи йигитларни ташкил қилиб, қолган 27 фоизи қизлардан иборат.

Инсон ўзлигини рўёбга чиқариш ўзига боғлиқ эканлигини қанча тез тушуниб етса, у ҳаётга шунчалик чуқурроқ қарайди ва олдида муҳимроқ мақсадлар қўяди. Ёшларни тарбиялашда улар руҳиятига ўз-ўзини англаш туйғуларини сингдириш орқали психологик етукликка эришувини таҳминлаш муҳимдир. Бу туйғу биологик ҳодиса эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Чунки, бу туйғу инсоннинг маънавий шаклланиши жараёнида вояга етади.

Психологик етукликка эга шахс турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олади. Бу ҳушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш, шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишида намоён бўлади.

Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билиши, яъни ички интизомни юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш



билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда ижобий муносабатларнинг ўрнатилишига имкон беради.

Буюк Суқрот ўз фалсафий баҳсларининг бирида ўзликни англаш ҳақида «аввал ўзингни бил» деб даъват қилган эди. Демак, билиш жараёнида муҳим босқич ёки билимнинг муҳим объекти инсоннинг ўзидир. Ўзликни англаш орқали инсоннинг маънавияти шаклланади. Психологик билимдонлик шахсни ўз-ўзини қўлга олишга, ўз-ўзига буйруқ беришга, ўз-ўзини қайта тарбиялаш ва ўз имкониятларидан тўғри фойдаланишга ўргатади.

Талабанинг ўз-ўзини идрок қилишини уни ижобий ишларга йўналтириш орқали ўстириш керак. Бунда талаба ижобий тажриба орттирсин, яъни ўзига, оиласига, гуруҳига, жамоасига манфаатли иш қилиб, олқиш олсин. Талабаларни жамоат ишларига кенг жалб этиш амалиётини кенгайтириш, бу ишдан манфаатдорлигини ошириш лозим. Талабанинг ўзини шахс сифатида англаши, ўз ижобий ва салбий сифатларини таҳлил қилиши, бошқа шахслар ичида ўз шахсини алоҳида ажратиш каби муҳим ижтимоий-психологик сифатларни шакллантиради. Бу эса шахсда ўз-ўзини назорат қилиш тизимини юзага келтиради.

Ўзини англаган инсон ўз манфаатларини ҳам ҳимоя қила олади. Ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш ўз фикри, ҳуқуқлари, талабларини ишонч билан гапира олиш ва ўзини ҳурмат қилишни англатади. Ўзига ишонган одам ҳар қандай ҳодисага ўз муносабатини очиқ ва қатъий баён қилади. Яъни у ўз хиссиётлари учун маҳсулиятни ўз зиммасига олади ва бошқаларга ҳам нимани хис қилаётганлигини англата олади. Бу ҳулқнинг нормал усули. Ҳаммада ҳам атрофдагилар учун бефарқ бўлмаган ўз фикр, талаб ва ҳуқуқлар бор. Буларни ҳурмат қилишларига эришишнинг ягона йўли - уларни шахснинг ўзи ҳимоя қила олишидир. Ўзига ишонган одамлар ўз шахсий эҳтиёжларини англайдилар ва уларни қатъий талаб қиладилар. Шу билан бирга бундай одам бошқа одамнинг ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини тан олади. Шунинг учун ҳам улар ўз талабларини қўйишда одоб доирасидан чиқишмайди ва атрофдагиларнинг талабларига ҳам ҳурмат билан қарашади. Ўзига ишонган одамлар ўз-ўзлари ва атрофдагилар билан самимий, ҳалол муносабатда бўладилар. Улар борлиқни реал идрок қиладилар, бўлиб ўтаётган ҳодисалар ҳақида уларнинг аҳамиятини бўрттирмай ва камситмай гапирадилар. Улар учун муҳими иллюзиялар эмас, реалликдир. Етук одам ўзининг ва бошқаларнинг нимага арзишини билишни хоҳлайди. Асосий тамойил - ўзини яхши кўрсатишга интилмасдан табиий тутишдир.

Эгоист одам эса фақат ўзи, ўз ишлари билан банд, у аксарият бошқаларни бутунлай инкор қилади. Ҳаммамиз ҳам эгоизм ёмон, биринчи ўринга бошқаларнинг манфаатларини қўйиш керак, деб ўйлаймиз. Лекин одамнинг атрофдагилар ҳақида ғамхўрлик қилиш даражаси - махсус фалсафий масала. Ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш эса ўзимиз тўла ҳуқуқимиз бўлган нарсани тан олиш ва талаб қилиш демакдир. Ўз манфаатларимизга риёкорлик қилмаслик учун биз доимий бирон нарсадан воз кечамиз ва натижада эгоизмдан ҳам ёмонроқ бўлган алртруист - бошқалар учун ўзини қурбон қилувчига айланамиз. Бизни эгоистликда айбламасликлари учун биз нафақат бошқаларнинг манфаатларини биринчи ўринга қўямиз, балки ўзимизнинг қонуний



истакларимизни ҳам қурбон қиламиз, натижада ўз-ўзимизни ҳурмат қилмай қўямиз. Шундай бўлиши мумкинки, агар ўзингизга ёрдам бера олмасангиз, хатто хоҳлаганингизда ҳам бошқалар ҳақида ғамхўрлик қила олмай қоласиз. Ҳақиқий ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш ҳалоллик ва атрофдагиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш демакдир.

Талабалик даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий тафаккур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис-туйғулар, қарашлар, ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда талаба ёшларнинг қизиқишлари, ҳаётий муаммоларини ўрганиб, улар ўртасида кўпроқ суҳбат, бадий кеча, учрашув ва мулоқотларни уюштириш, турли хил тўғарак, спорт секцияси, илмий тадқиқот уюшмаларини кўпайтириш, танлов, анжуман, мунозара, баҳс ва бошқа оммавий тадбирларни ташкиллаш лозим. Чунки психолог олим Жан Пиаженинг фикрича ёшларнинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари, ундаги эгоистик, шахсиятпарастлик моҳиятини сусайтириб, ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгаларнинг мавқеларини англаш ва ўзида шахсга хос сифатларни ҳам ўстиради.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha HARAKATLAR STRATEGIYASI to'g'risida. (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017уй., 6-son, 70-modda)
2. Sultonov, S. (2023). IMPORTANCE OF PYTHON PROGRAMMING LANGUAGE IN MACHINE LEARNING. *International Bulletin of Engineering and Technology*, 3(9), 28-30.
3. Рахманов, А. Т., & Султонов, С. (2023). ОБ ОДНОМ СПОСОБЕ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧИ КЛАССИФИКАЦИИ. *Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук*, 3(9), 45-48.
4. Rajabov, M., Rajabova, X., & Sultonov, S. (2023). MAKIAVELLIAN SHAXSINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA UNI ADABIYOTLARDAGI TA'RIFI. *Engineering problems and innovations*.
5. Sultonov, S. (2023). MASHINALI O'QITISH TUSHUNCHASI VA MASHINALI O'QITISH JARAYONINING UMUMIY QADAMLARI. *Engineering problems and innovations*.
6. Хайдаров, А., Султонов, С., & Билолов, И. (2022). ВЛИЯНИЕ ОТЖИГА НА РАЗМЕРЫ КРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ЛАМЕЛЕЙ ПОЛИКАПРАМИДА. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(7), 319-321.
7. Mashrabjonovich, O. J. (2023). Formation of Professional Competence of the Future Teacher in the Information and Educational Process. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(2), 107-111.
8. Mashrabjonovich, O. J., & Nargiza, K. (2022). Development of Creative Abilities in Pupils of Preparatory Groups. *Journal of Intellectual Property and Human Rights*, 1(10), 106-109.
9. Otajonov, J. (2023). LEVERAGING THE INFORMATION EDUCATIONAL ENVIRONMENT FOR FOSTERING PROFESSIONAL COMPETENCE IN FUTURE INFORMATICS STUDENTS. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 1(9), 99-102.



10. Isroilov, S. (2023). PEDAGOGIK FAOLIYATDA TA'LIM METODLARI VA INNOVATSION METODLARNING O'RNI VA AFZALLIK TOMONLARI. *Engineering problems and innovations*.
11. Maxammadyusufovich, I. S. (2022). savdo tarmoqlarida axborot almashinuvini va avtomatlashtirilgan monitoring. *Journal of new century innovations*, 7(3), 13-16.
12. Ражабов, М. Ж., & Ражабова, Х. Х. (2022). МАНИПУЛЯЦИЯ ТУРЛАРИ ВА ОДАМЛАРДА РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТИЗИМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ: Ражабов Муродил Жумабоевич, Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (6), 262-266.
13. Rajabova, X. X., & Dekhkanova, M. B. (2023). TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATI TA'LIM-TARBIYA JARAYONINING PIROVARD NATIJASI SIFATIDA. *Academic research in educational sciences*, 4(TMA Conference), 251-255.
14. Орипова, Н. Х., & Ражабова, Х. Х. (2015). Исторические источники воспитания преданности Родине. *Молодой ученый*, (6), 666-668.
15. Abdullajonova, N. (2023). PYTHON DASTURLASH TILIDA CHIZIQLI REGRESSIYA TASHKIL QILISHNING SODDA USULLARI. *Engineering problems and innovations*.
16. Saidov, M., & Isroilov, S. (2023). TO'RTINCHI TARTIBLI BIR JINSLI BO'LMAGAN TENGLAMA UCHUN ARALASH MASALA. *Research and Implementation*. извлечено от <https://fer-teach.uz/index.php/rai/article/view/987>
17. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Фарғона 2002.
18. Кузьмин Е.С. Основы социальной психологии. ЛГУ 2001.
19. Паригин В.Д. Основы Социально-психологической теории. М. 2001.
20. Петровский А.В. Социальная психология. М. 2003.
21. Соловьева О.В. Обратная связь в межличностном общении. М. 1992